

## БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШГА ТАЙЁРЛАШ МАЗМУНИ

**У.И.Маҳкамов**

Фан ва технологиялар университети профессори, педагогика фанлари доктори

**Д.Т.Пўлатова**

Фан ва технологиялар университети педагогика бўйича фалсафа доктори

**Д.С.Сапарбоева**

Фан ва технологиялар университети ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7296494>

**Аннотация.** Мазкур мақола бўлажак ўқитувчиларнинг тарбия жараёнини бошқаришда ўқувчининг маълум сифатларини ривожлантириши орқали мақсадга эришишга қаратилган омиллар тўғрисида.

**Таянч сўзлар:** ижтимоий-руҳий, педагогик-психологик тайёргарлик, маънавий, ахлоқий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий йўналишлар, мустақил фикрлаш.

### СОДЕРЖАНИЕ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ К УПРАВЛЕНИЮ

**Аннотация.** В данной статье речь идет о факторах, направленных на достижение цели путем развития определенных качеств студента в управлении образовательным процессом будущих педагогов.

**Ключевые слова:** социально-духовная, педагогико-психологическая подготовка, духовная, нравственная, политическая, экономическая, социальная направленность, самостоятельное мышление.

### THE CONTENT OF PREPARING FUTURE TEACHERS TO MANAGE THE EDUCATIONAL PROCESS


**Abstract.** This article is about the factors aimed at achieving the goal by developing certain qualities of the student in managing the educational process of future teachers.

**Key words:** social-spiritual, pedagogical-psychological preparation, spiritual, moral, political, economic, social directions, independent thinking.

### КИРИШ

Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни тарбия жараёнини бошқаришга тайёрлаш бевосита маънавий, ахлоқий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий йўналишлар билан узвий боғлиқ бўлиб, мустақил фикрлайдиган, замонавий илм-фан ва касб-хунарни пухта эгаллаган, ўз юрти, ўз халқига фидойи, ҳар томонлама соғлом ва навқирон авлодни вояга етказиш муаммолардан ҳисобланади. Чунки, Тарбия жараёнини бошқаришда бўлажак ўқитувчилар ўз позициясида мустақкам туриши, жамоа ўртасида хурматга эга бўлиши, оммага ва ўқувчиларга таъсир кўрсатиши, шахсий иззат-хурматини, манфаатларини, мақсадларини билиши, нуфузини ошириши натижасида ўқувчиларнинг маънавий дунёси, онги, одобига ўз таъсирини кўрсатади.

### МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ



**Тарбия жараёнини  
бошқариш учун –  
истеъдод, маҳорат,  
меҳнатсеварлик  
ва билим керак.**

Бўлажак ўқитувчилар тарбия жараёнини бошқаришда ўқувчининг ижтимоий-руҳий хусусиятлари, қизиқишлари каби объектларни инобатга олган ҳолда ҳар бир шахсни шакллантиришга таъсир этиш билан бирга, маълум сифатларни ривожлантириш, ўз эркинлигига ишонч туғдириш янги тасаввурлар, кадриятлар, кўрсатмалар ва ғояларни шакллантиради.

Бўлажак ўқитувчилар тарбия жараёнини бошқаришда умумтаълим мактабининг ўқувчиларни баркамол авлод бўлиб етказишда мақсадга эришиш йўлидаги қарашлари, феъл-атворларидаги ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратишлари, ўқувчи кучига таянишга оид режалар, дастур ва лойиҳалар, тадбирларни амалга оширишда масъулиятли ва талабчан бўлиш, ўз ғоялари ортидан ўқувчиларни эргаштира билиш ва руҳлантира олиш, ишини охирига етказиш, ҳар қандай вазиятларга тайёр туриш ва унга жавобан тезкор чоралар кўриш каби педагогик маҳоратга эга бўлиш каби вазифаларни амалга ошириш асосий мақсад қилиб қўйилади. Тарбия жараёнларини демократик тарзда бошқаришда ўқувчи фикри ва фаоллигига асосланган ҳолда учрашувлар, тадбирлар, ҳар хил ижодий ва фанлар бўйича танловлар, анжуманлар ўтказиш уларнинг юриш-туриш, хатти-ҳаракат, дунёқараш, ишонч, онг, хулқ кабиларни шакллантириш билан бирга хилма-хил фаолиятларни уюштириш, билимли, одобли, эътиқодли, меҳнатсевар баркамол инсон қилиб ўстиришда муҳим ўрин тутаяди. Бунда ўқитувчи ўзининг фалсафий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний қарашлари, тажрибалари, усул ва шакллари билан тарбия жараёнини мазмунли ва қизиқарли бўлишини таъминлайди. Чунки, тарбия жараёнини бошқариш фаолиятида ўқитувчи орзу-умидлари, ижтимоий қарашлари, ўқувчи характери ва хусусиятлари, унинг мақсадларини ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Бунда ўқувчи келажаги буюк Ўзбекистонга эътиқод ва ишонч, давлат ва халқ манфаатига хизмат қилиш, жамият қонунларини ўзлаштириш ва ҳаётга татбиқ этиш даражаларини юксалтиради.

Бўлажак ўқитувчилар таълим бериш билан бирга ўқувчи шахсини тарбиялайди, ривожлантиради. Бунда унинг педагогик-психологик тайёргарлиги ва билимлар муомала маданияти баркамол инсонни тарбиялайди. Тарбия жараёнини бошқариш масалалари ўзининг кўп қирралилиги билан ажралиб туради. Ҳар бир ўқувчи ўз мақсади, дид-фаросати ва қобилиятлари билан шахсдир. Бўлажак ўқитувчининг обрўси – бу унинг билими ва салоҳияти, ўқувчи юрагида, қалбида қолдирган унинг изи, яхши мутахассис ва шогирдларни тарбиялаш билан ўлчанади. Шу жиҳатдан ҳам улар ўз ўқувчиларини доимо берилган турли топшириқларни фаол бажаришга, ўқув материалларидан фойдаланишга, жамиятда бўлаётган воқеа ва ҳодисалардан хабардор бўлишга ўргатишлари лозим. Бунда ўқувчи миллий характери, ўзлигини англашни шакллантириш ўқитувчининг диққат марказида бўлмоғи даркор. Бунинг учун бўлажак ўқитувчилар тарбиявий тадбирлар, учрашувлар, китобхонлар конференцияси, театр ва музейларга ташрифлар ўтказиш жараёнида ўқувчиларда фикрлар, ғоялар, халқ, миллат, инсон шаъни, кадр-қиммати, миллий ўзликни англаш, миллий ғурур, миллий тотувлик ва ҳамжиҳатлик хусусиятларини ривожлантиришига тайёр бўлишлари лозим. Чунки, ўқитувчилар – ўқувчилар кўзгуси ва



уларнинг ҳаёт йўлининг сарбони, муҳит боғининг боғбони ҳисобланадилар. Ўқитувчи ота-она сифатида шундай мўътабар зотки, унинг олдига келмаган ўқувчи тўлақонли бўла олмайди. Бу ўринда бўлажак ўқитувчилар билан “Устознинг сўзи мангу машъала”, “Устознинг марҳамати қуёшдек ҳаммага тенг”, “Муаллимнинг қуёшдек тафти инсоният гулзорини қайта-қайта гуллатувчидир”, “Ўқитувчи таълими инсониятга ёруғлик тарқатади”, “Ўқитувчи маъно денгизининг дуридир”, “Ўқитувчи дилидагиларни дилларга ўтказиб қўювчи кўприқдир”, “Муаллим ўқувчи эътиқодни шакллантирувчи шахсдир” каби мавзуларда рефератлар, тарбиявий соатлар, мунозаралар ўтказиши, тадбирлар тайёрлаши муҳим аҳамиятга эга.


## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Ўзбек халқининг маданий ҳаётида бир неча асрлардан бери давом этиб келаётган тарбия жараёнини бошқариш ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳатти-ҳаракатини белгилаб бериш билан бирга, унинг шахс сифатида шаклланишига таъсир этади. Шу жиҳатдан ҳам ўқитувчи бошқариш жараёнида рағбатлантириш методидан фойдаланиши ўқувчи ҳаракатларини ривожлантириш билан бирга уларда ўқувчи ўзини намоён этиш, ўзига билдирилган ишончни оқлаш, қўйилган вазифаларни беками-кўст бажариш каби кўникма ва малакаларни ривожлантиради.

Мажбурлаш ёки куч билан таъсир этиш, синф жамоасидаги ихтилофли ҳолатларни бартараф этиш, ўқувчи ақлга бўйсунмаган эҳтиросларини жиловлаб туриш кабиларни бартараф этишда ўқитувчининг бошқарув маҳорати ушбу ҳолатни ижобий ҳал этади. Бошқариш жараёнида ўқитувчи ўқувчи шахси ва фаолиятига таъсир этиш, унинг иродасини мажбурий асосда бўйсундириш ёки чеклаш, унинг қаршилигини бартараф этиш усул ва воситалардан фойдаланиши муҳим ҳисобланади. Ушбу жараёнлар гапга кўнмайдиган, қайсар ўқувчиларга нисбатан ишлатилади. Улар ўз истакларича ҳаракат қиладилар. Лекин, улар билимларни ўрганишга астойдил киришса, фазилати, хулқ-атворлари яхши бўлиб, интилиши бўлса, бундай ўқувчиларни мажбур этмаслик керак. Чунки, уларга тарбия беришдан мақсад, комил инсон эгаси қилиш ва касб-ҳунар ўргатишга қаратилиши лозим.

## МУҲОКАМА

Тарбия жараёнини бошқаришда ўқувчиларнинг маънавияти, билимдонлик даражаси, фан, дин, жамият ва халқ манфаати, унинг бахт-саодати учун курашиш масъулиятини ҳис этиши ва унга амал қилишни ривожлантириши уларда “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” бораётган Ўзбекистонни умумбашариятга таништириш ва халқимиз ўртасидаги иноқлик ва ўзаро ҳурматни мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан ўқитувчи ўқувчи ўз тақдирини ўзи ҳал қилишга, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишга, жамиятда, жамоада, ижтимоий ҳаётда ўз ўринларини топишга, мамлакат олдида турган улкан вазифаларни ҳал этиш учун курашга фаол равишда иштирок этишларига ўргатиш, жамият манфаати учун хизмат қилиш, ахлоқий онгни, ўзини-ўзи англаб етиш, инсонларга бўлган эътиқодни ривожлантириш, дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва дардига дармон бўлиш каби маънавий



кадриятларини ривожлантириш билан бирга уларда фахрланиш, бошқа халқлар ва миллатларнинг миллий кадр-қиммати, удумлари, тарихи, адабиёти ва санъатини ҳимоя қилиш кабиларни шакллантиради. Тарбия жараёнини бошқаришда бўлажак ўқитувчиларнинг катъийлик, самимийлик, таъсирчанлик, тўғрилиқ, яхшилик, ғамхўр, меҳрибон бўлиш, одиллик билан иш тутишда ўткир ақл, соф мулоҳаза, тоза кўнгил, олижаноб ва мард бўлиши ўқувчиларнинг хулқи, хислати талабаларда инсонийликни ривожлантиради.

## ХУЛОСА

Тарбия жараёнини бошқариш самарадорлиги бевосита таълим олаётган ўқувчиларнинг фаолияти ҳамда ўзини-ўзи бошқариш билан боғлиқдир. Бошқариш тизимига яхлит ёндошишда бўлажак ўқитувчилар ўқувчининг вақтини тўғри тақсимлай билиши ва ундан тўғри фойдаланиши аниқроғи, тарбиявий тадбирларни ўтказишда қанчалик кам вақт сарфланса, унинг сифат даражаси шу қадар юқори бўлади. Бунда ўқитувчининг у ёки бу муаммоларни ҳал қилиш, ўқувчилар фаолиятини ташкил этишда ва тартиб-интизомга амал қилишнинг билими, салоҳияти ва тажрибасига боғлиқ бўлади. Демак, вақтдан тўғри фойдаланиш воситаси фақатгина тарбия жараёнини бошқаришдагина эмас балки, синфдаги ўқувчиларга катта таъсир ўтказиш билан бирга баъзи бир муаммоларни ҳал қилишда муҳим ўрин тутаяди.

Бўлажак ўқитувчилар тарбия жараёнини бошқаришда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда ўқувчилар фаолиятига баҳо бериш, уларни тартибга солишга хизмат қилиш, самарадорлигини таъминлаш кабилар кўзланган мақсадга эришишнинг асосий омиллари ҳисобланади.

## REFERENCES

1. “Тарбия энциклопедияси”, тузувчи М.Н.Аминов. -Т.: Давлат илмий нашриёти, 2010.
2. Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х., Алқаров И., Усмонов Н. Педагогикадан изоҳли луғат.-Т.:Фан ва технология. 2009.
3. Подласый И.П. Педагогика. Новый курс. Часть 3. Процесс воспитания. – М.:ВЛАДОС.2002.
4. Мавлонова Р, Вохидова Н., Рахмонқулова Н. Педагогика. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”. 2010.
5. Ruzmetova D.A. Matn mutolaasi savodxonlikni oshirish omilidir // Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti ilmiy axborotnomasi. –Тошкент, 2021. –Б. 49-52.